XALQ DEPUTATLARI YAKKASAROY TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 2 - fevral II-53-15-14-207-K/22 Yakkasaroy tuman hokimligi

Яккасарой тумани “Конституция” МФЙ ҳудудидаги Боғидил кўчасига машҳур академик Абдураҳим Обидов номини бериш тўғрисида

Микробиолог-иммунолог олим, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Обидов Абдураҳим Обидович тиббиёт соҳасида иммунология йўналишини ривожлантиришга ва юқумли касалликларни кескин камайишига ҳисса қўшган инсон ҳамда “Иммунологияни отаси” сифатида танилгандир. У Республикада юқумли касалликларга қарши вакциналар кашф қилишда ва ишлаб чиқаришда шу йўналишда фаолият олиб борган гуруҳга бошчилик қилган, соҳани етук мутахассиси сифатида хизмат кўрсатган ҳамда бир қанча шогирдлар етиштириб чиқарган олим ҳисобланади. Унинг ёнида туриб иммунология соҳасини давом эттирган шогирдлардан илмий ютуқларга эришган профессор ва фан номзодлари етишиб чиққан. Ҳозирда улар устозни ишларини амалга ошириб келмоқдалар.

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 10-сон, 273-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 295-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 41-42-сон, 483-

моддалари)га асосан, География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар коммиссияси йиғилишининг 07-Б-22–сонли баёни ижросини таъминлаш ҳамда маҳаллий аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда Халқ депутатлари Яккасарой туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “География объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Яккасарой туман ҳудудий комиссияси”нинг 2021 йил 20 майдаги “Конституция” маҳалласи, Боғидил кўчасига машҳур академик Абдураҳим Обидов номини бериш ҳақидаги қарори маъқуллансин.

2. Яккасарой туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ш.Таслимов), Яккасарой туман ободонлаштириш бошқармаси (О.Усманов), Яккасарой туман ҳокими ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига:

- “Конституция” маҳалласидаги ўзгарган кўча номи акс этган номлагичлар ўрнатилиши ва тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиш ишлари амалга оширилсин.

3. Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси Яккасарой тумани филиали бошлиғи в.в.б (Ф.Эргашев)га:

- География объектлар номларининг давлат реестрига тегишли ўзгартиришлар киритилиши таъминлансин.

4. Яккасарой туман ҳокимлиги Матбуот котиби - ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчи (О.Насимов)га:

- мазкур қарор Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Яккасарой туман ҳокимининг 2021 йил 3 августдаги 42-14-207-Q/21-сонли қарори бекор қилинганлиги инобатга олинсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Яккасарой туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комисияси (Д.Камилов) ва Халқ детутлари Яккасарой туман Кенгашининг Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссияси (У.Юлдашева) зиммасига юклансин.

Kengash raisi **Sayfutdinov A. N.**